

«БОБУРНОМА» МАТНИДАГИ АНТРОПОНИМЛАР ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАСНИФИ

Муминова М.О.

PhD., доцент

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20697598>

Аннотация

Ушбу мақолада лингвокультурология, унинг тарихи, тадқиқотчи, олимлар, тилшунос ва таржимонларнинг лингвокультурологияга бўлган муносабатлар ва фикрлари ҳақида маълумот бериб ўтилган. Шунингдек, «Бобурнома» матнида келтирилган тегишли антропонимлар олиниб, таҳлил этилди. Антропонимлар таржималарининг лингвокультурологик жиҳатдан таҳлиллари келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: лингвокультурология, прагматика, феномен, адекватлик, парадигма, транслитерация, транскрипция, миллийлик, маданий омил, контент таҳлил, фрейм таҳлил.

XXI аср бошида жаҳон тилшунослигида етакчи йўналишни лингвокультурология эгаллади. Тадқиқотларда айтилишича, тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан лингвокультурологиядир, тил ва маданият ўзаро алоқадорликда бўлган предметини ташкил этади. «Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, шахс ва маданий омилни узвийликда тадқиқ этувчи фандир» [3, 222]. Телиянинг таъкидига кўра, бу омиллар бир-бири билан узвий боғлиқликда ушбу фанни вужудга келишига ва бу борадаги тадқиқотларни амалга ошишида муҳим аҳамият касб этади. «Лингвокультурология инсон омилига, аниқроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради» [2, 20], деб Г.Г.Слишкин таъкидлайди. Ҳар икки олимнинг лингвокультурология ҳақидаги фикрлари бир-бирини тўлдиради. Уларнинг ўртасида узвий тарзда боғлиқлик бор эканлигини шак-шубҳасиз қабул қилиш мумкинлигидан дарак беради.

Ҳозирги вақтда лингвокультурология жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида энг ривожланган йўналишлардан бири бўлиб, бу борада яратилган ўқув қўлланмалар ичида В.А.Маслова томонидан яратилгани энг машҳурларидан бири ҳисобланади. Ушбу ўқув қўлланмада лингвокультурология соҳасининг методлари, объекти ва предмети, йўналишлари ёритиб берилган, муайян тил бирлигини лингвокультурологик таҳлил қилиш намуналари кўрсатилган [1, 46].

Лингвокультурология бу тил ва маданият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўлиб, лексик тил бирлиги орқали ифода этилаётган лексик бирликларни кўрсатиб бериш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Матнда келтирилган маданиятни лексик бирлик орқали таснифланиши, уни ўқувчига тушунарли тарзда етказиб беришдир. Буларни таржималарда акс эттиришда шу миллат маданияти ва урф-одатларини яхши ўзлаштирган бўлишни тақазо этади.

«Бобурнома» матнини ўрганиш жараёнида муаллиф томонидан ўзбек маданиятини тараннум этувчи бир нечта тасвирларни ўқишимиз мумкин. «Бобурнома» матнида ўз муҳитидаги шахзодалар, беклар, ҳатто оддий аскарларга берган таъриф-

тавсифида Бобур шахсияти, сиёсий қарашлари, ҳарбий жасорати, бой тажрибаси акс этганини кузатамиз. «Бобурнома»да 1505–1506 йиллар воқеалари баёни бошқа тарихий-психологик тафсилотларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу давр Бобурнинг Афғонистондаги ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, бунда Амир Темур салтанатини Ҳиндистон худудигача тиклашдек улуғ мақсад намоён бўлади. Дарҳақиқат, Қ.Эргашев таъкидлаганидек, «Бобурнома» бу жиҳати билан: «фақат ўзбек насрида эмас, жаҳон адабиётида ҳам нодир ҳодиса бўлиб, ўзига хослиги, такрорланмас бадиияти, тили ва услуби билан ажралиб туради» [5, 28].

«Бобурнома»да темурий шахзодалар, амир, бек ва лашкарбошилар, аскарларнинг номлари келтирилади ва бундай антропонимларда атрофидагилар шахсияти, характер хусусиятлари, психологик жиҳатлари Бобурга хос синчковлик билан объектив баён этишни мақсад қилганини кўраемиз.

Умуман, таржима амалиётида географик атамалар, топоним ва антропонимлар таржима қилинаётган тилдан эквивалентини топиб, қайта тиклаш аъъанаси мавжуд. Бу ҳақида Европа таржимашунослигида ҳам муайян фикр-мулоҳазалар билдирилган. Вермерс Алберт Пётрнинг таъкидлашича: «киши исмларини таржима қилишда, уларнинг лексик маъно англатишини тўлиқ англаб етилмаса, таржима қилинмаса ҳам бўлади. Агар таржима қилинса, ана шу тилда қандай маъно англатишини билишни тақозо этилади. Киши исмларини хорижий тилларга таржима қилинмагани маъқул деб биламан» [6, 10]. Бунда аслият прагматикаси, адекватлик, лингвокултурологик талқин сингари таржима назариясининг муҳим қоидаларига амал қилиш кўзда тутилади.

«Бобурнома» муаллифи антропонимларни қайд этар экан, бунда ҳам ижодий тасвир усулига таянади. Антропонимларни шунчаки маълумот сифатида тилга олмайди, балки шунга оид топонимлар, генетик-тарихий жиҳатлар, ижтимоий ҳолатлар, этимологик хоссаларни тасвирий тарзда параллел беради. Шунингдек, Бобур ўз беклари, амирлари, вазиру-вузаролари, лашкарлари-ю, унинг қароргоҳида хизмат қилувчи шахслар исмларини бир-биридан фарқлаш учунми, уларнинг исмлари ёнига ё лақаблари ёки мансабларини қўшиб келтиради.

Бобур Андижондаги мураккаб сиёсий вазият сабаб, Самарқандни қўлдан бой беради. Борарга жойи қолмай, Хўжандга кетади. Андижонни қайтариб олишдан умиди узилган Бобур беклари ва қўшинидаги йигит-яланглардан кимлар у билан қолди-ю қайсилари ундан ажралиб кетгани ҳақида бирма-бир маълумот беради. Хусусан, «Бобурнома»да бу ҳолат шундай акс эттирилади: *«Айрилғонлардин: беклардин Али Дарвешбек, Али Мазид қавчин, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикоға, Мирим Лоғарий, менинг била қолғонлар, ғурбат била меҳнатни ихтиёр қилғонлар, яхши-ёмон, тахминан, икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди. Беклардин Қосим қавчин бек, Вайс Лоғарий бек, Иброҳим соруйи минглиғбек, Ширим тағойи, Сайди Қаробек; ичкилардин Миршоҳ қавчин, Саййид Қосим эшикоға жалойир, Қосим ажаб, Муҳаммад Дўст, Али Дўст тағойи, Муҳаммад Али мубашшир, Худойберди туғчи мўғул, Ёрак тағойи, Султонқули Бобоқули, Пир Вайс, Шайх Вайс, Ёрали Билол, Қосим мирохўр, Ҳайдар рикобдор. Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба йиғладим»* (Бобурнома. 2002; 64). Иқтибосдан маълум бўлишича, ушбу ҳолат Бобурни кўп изтиробга солган. Ўзи билан қолганларни миннатдорлик билан эсласа, ажралиб кетганларни ҳам ёмон сўз билан ёдламайди. Балки кетганлар боис чеккан изтиробини «Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба

йиғладим» жумласида бадий ифодалайди. Бундан Бобур ҳаётидаги фожиавий вазиятлардан бири шу эканига амин бўламиз. Айти пайтда, ўқувчи ушбу матн тағмоҳиятида икки тоифа шахслар антропонимлари ҳақида фикрлар берилаётганини англайди. Бобурни йиғлатган тоифадан ранжиса, «ғурбат била меҳнатни ихтиёр қилғонлар»га нисбатан қалбида илиқ туйғулар уйғонади. Кўринадикки, Бобур ҳар бир бек ёки сарбознинг номини келтириш билан бирга, уларнинг мансаб ва лақабларини ҳам қўшиб беради. Киши исмига лақаб ёки мансабни қўшиб қўллаш шарқ халқларига хос бўлиб, шарқ маданиятининг ўзига хос белгисидир. «Бобурнома» матнида эса миллатимизнинг лингвокултурологик хусусиятлари ўз аксини топган. Одатда, ўзбекларда киши номларининг аталиши шу жойнинг урф-одатлар, яшаш шароити билан бевосита боғлиқ бўлади.

Куйида бу жиҳатларни таржимада акс эттиришда таржимонлар қандай усуллардан фойдаланганлари хусусида фикр юритамиз.

Аслиятда: «Али Дарвешбек» исми: Ali Derwish Beg (L-E), Ali-darwesh Beg (A.B.), Ali Darwesh Beg (V.T.), «Али Мазид қавчин»: Ali Mazid Kuchin(L-E), Ali-mazid Quchin (A.B.), Ali Mazid Qauchin (V.T.), «Муҳаммад Боқирбек»: Muhammed Bakir Beg (L-E), Muhammad Baqir Beg (A.B.), Muhammad Baqir Beg (V.T.), «Шайх Абдулло эшикоға»: Sheikh Abdallah the chamberlain (L-E), Shaikh Abdu'l-lah, Lord of the Gate (A.B.), Shaykh Abdullah Eshik-aqa (V.T.), «Мирим Лоғарий»: Miram Laghari (L-E), Mirim Laghari (A.B.), Mirim Laghari (V.T.), «Қосим мироҳўр»: Kasim, Master of the Horse (L-E), Qasim Mir Akhwur (Chief Equerry) (A.B.), Qasim Mir Akhwur (Chief Equerry) (V.T.) «Ҳайдар рикобдор»: Hyder Rikabdar (the Equerry) (L-E), Haidar Rikabdar (stirrup-holder) (A.B.), Haidar Rikabdar (stirrup-holder) (V.T.), шаклида ўтирилган.

Кўринадикки, «Бобурнома»да келтирилган антропонимларни беришда ҳар учала таржимон ҳам транслитерация усулини қўллаган. Аммо мансаблар, лавозимлар акс этган ўринларда, уларнинг инглиз тилидаги сиёсий мансаблардан мос эквиваленти берилган. Лақаблар масаласида таржимонларнинг барчаси транслитерация йўлини маъқул топганлар.

Масалан, «Шайх Абдулло эшикоға» исмининг қиёсий таҳлилига эътибор қаратайлик: Лейден-Эрскин таржимасида: «*Sheikh Abdallah the chamberlain*» деб берилади. Таржима матнида Шайх Абдулло сўзлари «*Sheikh Abdallah*» шаклида транслитерация қилинган ҳолда, «эшикоға» сўзига саройдаги лавозим, ҳукмдор, саройдаги тартиб-интизомни сақлаш учун масъул бўлган шахс тарзида изоҳ бералади. Шу билан биргаликда «the chamberlain» 1. Сарой ва аёнларининг унвонларидан бири ва шу унвондаги киши 2. Казначи ҳарбий қисмларда: пул-буюмлар бериш ва қабул қилишни бошқарувчи хизматчи, тарзида теран изоҳ берилади. А.Бевеиж таржимасида: «*Shaikh Abdu'l-lah, Lord of the Gate*» деб келтирилади. Шахс номи «Шайх Абдулло» «*Shaikh Abdu'l-lah*» алоҳида, «эшикоға» сўзи алоҳида «Lord of the Gate» (эшик хўжайини) шаклида сўзма-сўз таржима қилинади. Бундай таржима қилиниши натижасида бир шахс икки кишини билдираётгандек тасаввур уйғонади. В. Текстон таржимасида: «*Shaykh Abdullah Eshik-aqa*» транслитерация йўли билан берлади, «Шайх Абдулло» «*Shaykh Abdullah*», «эшикоға» сўзини «*Eshik-aqa*» тарзида транслитерация қилинади.

Бобур бекларидан яна бири «Султонқули Бобоқули» исми Лейден-Эрскин таржимасида: «*Sultan Kuli*» шаклида келтиради, «Бобоқули» тушириб қолдирилади.

Оқибатда таржима матнида аслият матнидаги лингвокултурологик хусусият сақланмайди. Шахс номи ноаниқлигича қолади. А.Бевериж таржимасида: «*Султонқули Бобоқули*» «*Baba 'Ali's (son) Baba Quli*» (Бобо Алининг (ўғли) Бобо Қули) тарзида келтиради. Аслият матнида берилган кишининг исми умуман бошқа шахсга айланиб кетган. Бу таржимада ҳам аслият матнининг прагматик жиҳатлари ўз аксини топмаган. В.Текстон таржимасида: «*Baba-Quli's Sultan-Quli*» (Бобо Қулининг Султон Қули) шаклида берилади. Бу биров бўлса-да, аслият матнига яқин, аммо аслият матнига айнан мос келмайди.

Яна ичкиларидан бири «*Саййид Қосим эшикоға жалойир*»нинг номи Лейден-Эрскин таржимасида: «*Syed Kasim, the Chamberlain, a Jelair*» тарзида таржимада берилади. Кўриб турганимиздек, таржимада бир кишига тегишли бўлган мансаблар учга ажратилиб кўрсатилади. А.Беверижда: «*Sayyid Qasim Jalair, Lord of the Gate*» деб берилади, бу таржимада бир шахсга тегишли мансаб иккига ажратилади. Исмига қўшиб айтилган мансаблар номларининг тартибига ҳам ўзгариш киритилади. Сўзнинг В.Текстон эса: «*Sayyid Qasim Eshik-aqa Jalayir*» деб транслитерация усулидан фойдаланиб, аслиятга мос тарзда қайта тиклайди.

«Бобурнома»да тилга олинган Бобурнинг ички мансабдорларидан Қосим мирохўр ва Ҳайдар рикобдор исмлари таржимаси таҳлилида мазкур ҳолатнинг яққол мисолини кўрамайди.

Лейден-Эрскин таржимасида: «*Қосим мирохўр*»нинг исми «*Kasim, Master of the Horse*» деб ўгирилади. Таржимон антропоними алоҳида, мансабини алоҳида кўрсатади. «*Мирохўр*» сўзини «*Master of the Horse*» шаклида таржима қилинади. «*Ҳайдар рикобдор*» исми «*Nyder Rikabdar*» (the Equerry-бош отбоқар) деб берилади. Бу таржимада исм транслитерация шаклида берилгани ва изоҳ ҳам келтирилгани боис прагматиклик сақлаб қолинади. А.Бевериж таржимасида: Қосим мирохўр исмини «*Qasim Mir Akhwur*» (Chief Equerry-бош отбоқар) тарзида берилади. Мансабини транслитерация қилишда бир мансабни икки қисмга ажратиб берилган. Масалан, «*Ҳайдар рикобдор*» эса «*Haidar Rikabdar*» (stirrup-holder-узанги соҳиби) деб берилади. Қавсда келтирилган изоҳ исми маъносининг аниқ ифодаланиши таъминлаган. В.Текстон таржимасида: «*Қосим мирохўр*» «*Qasim Mirakhur*», «*Ҳайдар рикобдор*» эса «*Naydar Rikabdar*» шаклида транслитерация усулида амалга оширилади. Таржимон бу таржимада аслиятнинг лингвокултурологик хусусиятлари асосида қайта тиклашга эришган.

Антропонимларни таржима қилиш жараёнида Лейден-Эрскин ва А.Бевериж таржималари антропонимларини транслитерация қилишга қаратилган бўлса, қавс ичидаги таржималар изоҳ вазифасини бажаради. Хусусан, инглизча «*Equerry*» сўзи «бош отбоқар» маъносини англатади. А.Бевериж таржимасида эса изоҳловчи «*Chief*» сўзи ҳам қўшиб таржима қилинади. Таржима прагматиклигига шу тарзда эришилади.

Умуман олганда, ўзга халққа хос истилоҳ-тушунчалар, антропоним ва топонимлар ўғирмасида уларнинг асарда қўлланилган ўрнини, бажарган вазифасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Миллийликнинг англатган сўзларнинг баъзилари асл нусха тилидан ташқари, яна қатор халқлар нутқида, жумладан, таржима тилида ҳам учраши, аниқроғи, таржима тили луғат бойлигининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар тил, чегара ёки турмуш шароити жиҳатидан бир-бирига яқин, доимо ўзаро муносабатда,

мулоқотда бўлиб турадиган, айрим одатлари бир-бирига ўхшаш халқлар нутқида кўп учрайдики, айна ҳол таржимонни ҳеч қандай амалий қийинчиликларга дучор этмайди. Шунингдек лингвокултурологик тушунчалар ифодаси учун қўлланилган сўзларнинг кўпчилиги бошқа тилларда маъноларини айнан қоплай оладиган тил воситаларининг йўқлиги, бироқ уларнинг бошқа тилларда ишлатилишига эҳтиёж сезилиши туфайли, қатор тиллар луғат таркибига сингиб, умумийликни касб этади. Бунга жумладан тилимиздаги талай сўзларнинг жаҳоннинг кўп тиллари луғат таркибидан борган сари жадалроқ ўрин эгаллаётганлиги ёки хорижий мамлакатлар воқелигини англатадиган кўпгина сўзларнинг тилимизга сингиб бораётганлиги ҳам далилдир. Бу эса таржима жараёни мушкулотларини осон бартараф этади. Бундан ташқари, у ёки бу халқ миллий ва маданий тушунчаларини англатадиган сўзларнинг маъно ва вазифалари мамлакатларнинг ўзаро маданий, савдо-сотиқ каби хилма-хил алоқалари натижасида қатор халқларга, шу жумладан, таржима тили соҳибларига ҳам тушунарли бўлади. Таржимонлар бундай сўзларга ўз тилларида ўхшаш муқобиллар қидириб юрмасдан транслитерация йўли орқали қайта тиклайди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Маслова В.А. Лингвокултурология. – М.: Academia, 2001.
2. Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецеденных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000
3. Телия В.Н. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996.
4. Худойберганава З. “Таржиманинг лингвомаданий масалалари” – Тошкент 2016 – Б. 68
5. Эргашев Қ. Навоий насри ва Бобурнома // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2014.
6. Vermers Albert Peter. Proper Names in Translation.– Debrecen 2001.